
Туман ҳокимининг навбатдаги “Сайёр қабули” ўтказилди.

Жойларда аҳоли муаммоларини ўрганиш, уларни ижобий ҳал этиш мақсадида сектор раҳбарлари, туман ҳокими ўринбосарлари, корхона ва ташкилот раҳбарлари томонидан жойларда жисмоний ва юридик шахслар иштирокида доимий сайёр қабуллар ўтказилиб келинмоқда.

Хусусан бугун туман ҳокими Халимжон Умаров сектор ҳудудидаги фуқароларнинг муаммоларини аниқлаш мақсадида Чилон маҳалла фуқаролар йиғинида қабул ўтказди.

Ўтказилган қабул давомида ҳудуддаги фуқаролар томонидан 20 та мурожаатлар келиб тушган бўлса, ушбу мурожаатларнинг 18 таси масъулларни жалб этган ҳолда жойида ижобий ҳал этилди.

Жумладан моддий ёрдам ҳамда имтиёзли кредит олиш истагини билдирган ишсиз фуқаролар, айниқса хотин-қизларга туман ҳокимлиги ҳамда ҳомийлар томонидан чорва ҳайвонлари топширилди.

2024-05-06 18:47:38